JPA INTERNATIONAL

LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

**LIMITED LIABILITY COMPANY «TTT-AUDIT» (JPA INTERNATIONAL)**

5 office Yangiobod street. Fergana. Uzbekistan. 150100.
Tel . (91) 651 80 13 (0373) 241 64 48. (95) 400-80-13 Web sayt: ttt-audit.uz Email: tttaudit @ mail.ru
The license AF № 00327 issued by Ministry of Finance from 2008.02.25.

# АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

**Ижобий фикр билдирилган**

Хулоса санаси. **30 март 2019 йил**.

**Фарғона шахар "Марказий деҳқон бозори" А/Ж раҳбариятига**

Манзил: **Фарғона шахар "Марказий деҳқон бозори" А/Ж.** Фарғона шахар Бозор боши кўчаси 1 уй. ТИФ Миллийбанк Фаргона ш. х/р 20208 000 000 212 416 001. МФО 00493. ИНН 20145787 . ОКЭД 68201.

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фарғона шахри Янгиобод 5 уй уй. ХАБ "TRAST BANK". х/р 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оконх 84400, тел 0(373) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқи билан 25.02.2008 йилда берилган АФ № 00327-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335–реестр билан рўйхатга олинган гувохнома) бош директори бош аудитор САР **Ботиров М Х** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05052 25.08.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект **Фарғона шахар "Марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг "Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, "Хусусий капитал" ва "Пул оқимлари тўғрисида"ги хисобот шаклларидан иборат 2018 йил 01 январидан- 2018 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

## Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

## Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **Фарғона шахар "Марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамияти** томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган Фарғона шаҳар "Марказий деҳқон бозори" акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

**Масъулияти чекланган «TTT-AUDIT»**
**аудиторлик ташкилоти бош директори**
**бош аудитор. САР** **М.Х Ботиров**

*Аудитор малака сертификати № 05052*
*25.08.2017 йилда Молия Вазирлиги*
*томонидан берилган*